

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.T.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВ ШУХРАТ БАДРЕДДИНОВИЧ**

**ДАВРИЙ СТРУКТУРАЛИ ВЕНТИЛЛИ ЎЗГАРТИРГИЧЛАРИНИ ИШ  
РЕЖИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник  
мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора технических наук (DSc)**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

<b>Умаров Шухрат Бадреддинович</b> Даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини иш режимларини тадқиқ қилиш услубиёти.....	3
<b>Умаров Шухрат Бадреддинович</b> Методология исследований режимов работы вентиляльных преобразователей с периодической структурой .....	29
<b>Umarov Shukhrat Badreddinovich</b> Methodology for investigating modes of operation of transducers with periodic structure.....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВ ШУХРАТ БАДРЕДДИНОВИЧ**

**ДАВРИЙ СТРУКТУРАЛИ ВЕНТИЛЛИ ЎЗГАРТИРГИЧЛАРИНИ ИШ  
РЕЖИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник  
мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурадаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/T508 рақами билан рўйхатга олинган.

Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Сапаев Хушнуд Бабажанович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий ошпонентлар:** Коровкин Николай Владимирович  
техника фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

Тоиров Олимжон Зувурович  
техника фанлари доктори, профессор

Арплов Назиржон Мукарамович  
техника фанлари доктори, профессор

**Этакчи ташкилот:** Тошкент ахборот технологиялар университети

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» август соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 28 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 207-14-70).

Диссертация автореферати 2022 йил «16» август ни қоралаш (2022 йил «16» август даги 5, рақамли рўйхатга олинган).



**Қ.Р.Аллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор,  
академик

**О.Х.Ишназаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари  
доктори, профессор

**Т.Ш.Гайнабов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли хил sanoat соҳаларида кенг қўлланиладиган ток ўзгартиргичлари асосидаги кучли ярим ўтказгичли ўзгартиргичларни ишлаб чиқиш, улардан юқори аниқлик ва ишончлилик билан оқилона фойдаланиш ҳамда хизмат кўрсатиш даврини узайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...ишлаб чиқариладиган электроэнергиянинг 60% кўп бўлган қисми ярим ўтказгичли ўзгартиргичлар орқали ўтади. Қувватли электроника тизимларидан жаҳон даражасида фойдаланилганида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 12-15% тежаш мумкин»<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан, истеъмол қилинадиган энергия сифати ва энергия манбаларининг ишончлигига талаблари юқори бўлган энергетик объектлари учун зарур бўлган электр таъминоти режимини таъминлаш учун мўлжалланган ток ўзгартиргичлари асосидаги вентилли ўзгартиргичларининг энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли хил қувватли электроника асбобларининг самарадорлигини ошириш, техник кўрсаткичларининг такомиллаштириш, вентилли ўзгартиргичларининг схемаларини моделлаштириш ва лойиҳалаш учун самарали математик моделлар ва дастурий воситаларни яратиш ҳамда талаб этилган иш режимларида энергия тежайдиган ва барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, талаб этилган иш режимларида чиқиш параметрларининг минимал ўзгаришлари билан турли хил масъулиятли истеъмолчиларни таъминлаштириш учун даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини лойиҳалаш, моделлаштириш ва кучланиш қийматини барқарорлашини таъминлайдиган даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, мавжуд бошқарув усулларини, юкланиш турларини ва инверторнинг кириш токнинг шаклини инобатга олиб амал қиладиган усуллар, алгоритмлар ва дастурларни яратиш ҳамда вентилли ўзгартиргичларинининг юқори техник ва иқтисодий кўрсаткичларини таъминлайдиган куч схема элементларининг параметрларини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамызда иқтисодий тармоқлари кесимида энергия сифимдорлигини 2030 йилга қадар бир ярим баробарга камайтириш мақсадида янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «... иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, sanoat тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш

---

<sup>1</sup><https://www.electronics.ru/journal/article/68.pdf>

самарадорлигини ошириш»<sup>2</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, хусусан, истеъмол қилинадиган энергия сифатини ва ишончилигига қўйилган юқори талабларни таъминлайдиган ва ишлаб чиқариш жараёнларнинг энергия сифимдорлигини камайтирувчи ярим ўтказгичли ўзгартиргичларни яратиш ва жорий қилиш ҳамда уларнинг талаб этилган иш режимларини аниқ ва рационал таҳлил этиш усулларини ишлаб чиқиш масалаларини ечишга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692 «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238 «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 27 мартдаги ПҚ- 4249 «Ўзбекистон республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779 «Иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>3</sup> Энергия самарадорлигини ошириш ва ярим ўтказгичли ўзгартиргичларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан Massachusetts Institute of Technology, University of Texas at Austin (АҚШ), Institute of Electrical and Electronical Engineeres (АҚШ); Г. М. Кржижановский номидаги Энергетика институти (АЖ «ЭНИН», Россия), ОАЖ «Энергетика илмий-текшириш институти» (Россия); НПП «ЭОС» (Украина), Hefei University of Technology (Хитой); Aalborg University (Дания), University of Cambridge (Англия), TU Dortmund University (Германия), Siemens AG (Германия), Toshiba (Япония),

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

<sup>3</sup> <https://www.twirpx.com>, <http://cyberleninka.ru>, [www.researchgate.net](http://www.researchgate.net), <https://uc-ciee.org>, <http://www.sci-hab.la>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), <http://elibrary.ru>

Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон) ва бошқаларда амалга оширилмоқда.

Юқори техник-иктисодий тавсифларга эга бўлган даврий структурали вентилли ўзгартиргичларни самарали ишлаб чиқиш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги муҳим илмий натижалар олинган: вентилли мураккаб ночизғий занжирларни моделлаштириш усуллари тадқиқот қилинган (Institute of Electrical and Electronical Engineeres, АҚШ; Aalborg University, Дания; Hefei University of Technology, Ҳитой), даврий вентилли ўзгартиргичларнинг такомиллаштирилган схемалари ишлаб чиқилган (ОАЖ «Энергетика илмий-текшириш институти», Россия; НПП «ЭОС», Украина; University of Electronic Science and Technology, Ҳитой), юқори қувватли вентилли ўзгартиргичлар ишлаб чиқилган (Rockwell Automation, АҚШ; Allen Bradley, Канада; Imvar, Англия), кўп вазиқали электр юритмалар учун частота ўзгартиргичлари ишлаб чиқилган (Mitsubishi, Япония; Триол, Россия; Ross Hill, АҚШ; Relience Elektric, Германия), саноат корхоналари учун автоном инверторлари асосидаги частота ўзгартиргичлар ишлаб чиқилган (Тошкент давлат техника университети, Энергетика муаммолари институти, Ўзбекистон).

Дунёда саноат корхоналарида вентилли ўзгартиргичлар ёрдамида электр энергияни ўзгартириш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган бир қатор қуйидаги йўналишларда: вентилли ўзгартиргичларнинг ўткинчи ва турғун ишлаш режимларини таҳлил қилиш усуллари такомиллаштириш, ўзгартирилган электр энергиясининг параметрларини сақлаиб турилишининг аниқлигини ошириш ҳамда эксплуатация ишончилигини ва хизмат қилиш муддатини узайтирилишини таъминлашга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Энергия самарадор статик ўзгарткичларини ишлаб чиқиш ва амалий қўллаш билан боғлиқ бўлган илмий масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан: В.Д. Bedford, W. Mc. Muray, M. Demontvignier, Н.Д. Папалекси, И.М. Чиженко, И.Л. Каганов, В.А. Лабунцов, Н.Н. Щедрин, О.А. Маевский, Ю.Г. Толстов, А.А. Булгаков, Т.А.Глазенко, Г.С. Зиновьев, В.Е. Тонкаль, Ю.К. Розанов, Ю. С. Забродин ва бошқалар.

Энергия ўзгарткичларини тадқиқ қилиш усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек электр энергиясини ўзгартирилиш самарадорлигини ошириш каби илмий муаммоларни ҳал қилишга Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан Х.Ф. Фазилов, М.З. Хамудханов, Б.У.Умаров, К.Р. Аллаев, Р.А. Захидов, Т.Х. Насыров, Т.С. Камалов, А.А. Хашимов, Н. Х. Базаров, Н.М. Арипов, М.И. Ибадуллаев, Р.А. Сыздыков, Ф.А. Хошимов, Х.Б. Сапаев, М.К. Бобожанов, О.Х. Ишназаров, Н.Б. Пирматов, О.З. Тоиров ва бошқалар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида саноат корхоналарида энергия ўзгартиргичларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, вентилли ўзгартиргичларининг ўткинчи ва турғун режимларини ҳисоблаш математик моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, энергия самарадорлигини ошириш, кириш ва чиқиш параметрларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда куч схемаларни яратиш, даврий кетма-кетлигига эга бўлган барча турдаги автоном инверторлар ва энергия ўзгартиргичлари учун қўллаш имкониятини берувчи юқори коммутация барқарорлигига эга вентилли ўзгартиргичининг схемасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий режасига мувофиқ ОТ-Ф2-62 “Микропроцессор бошқарувли автоматлаштирилган электр юритмалар асосида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва яратиш ҳамда электр машиналар ва кабелли техниканинг энергетик самарадорлигини ошириш” (2017-2020) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини ўткинчи ва турғун иш режимларини тадқиқ қилиш услубиётини яратиш ва юқори коммутацион мувозанатига эга бўлган вентилли ўзгартиргичнинг схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

автоном инверторлар асосидаги даврий структурали вентилли ўзгартиргичларни ҳозирги ҳолатини ва моделлаштириш ҳамда ишлаб чиқиш истиқболларини таҳлил қилиш;

ҳар хил турдаги автоном инверторлар ва куч схемасининг структураси (топологияси) даврий кетма кетлигида ўзгарадиган энергия ўзгартиргичлари учун қўлланилишини таъминлайдиган даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини моделлаштириш услубиётини яратиш;

инверторларни кириш тоқининг узлукли ва узлуксиз режимларида актив-индуктив ва двигател юкламаларида ишлайдиган вентилли ўзгартиргичларни ўткинчи ва турғун режимларини ҳисоблаш учун математик моделларини ва алгоритмларини яратиш;

коммутацион мувозанатини сақлаб қолган ҳолда чиқиш кучланиш қийматини барқарорлашини таъминлайдиган, ростлаш диапозонини ҳамда даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини кучли схемасининг элементлари параметрларини аниқланишини таъминлайдиган инверторларнинг ишчи тавсифларини ишлаб чиқиш;

юқори коммутацион мувозанатига эга бўлган ток ва кучланиш автоном инверторлари асосидаги даврий структурали вентилли ўзгартиргич схемасини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларини даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини лойиҳалаш жараёнида амалий қўллаш.



**Тадқиқот объекти сифатида саноат кабел ишлаб чиқариш корхоналари «NATIONAL HOLDINGS» МЧЖ ва «NAVOI CABLE CONNECTOR» ХК МЧЖ олинган.**

**Тадқиқот предмети ток автоном инверторлари асосидаги даврий структурали вентилли ўзгартиргичларининг статик ва динамик тавсифлари ташқил қилади.**

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот Лаплас ўзгартирилиши асосидаги оператор усули, оний қийматлар усули ва гармоникаларнинг таркиблаш усулидан фойдаланилган. Компютерли таҳлилларни амалга оширишда назарий омилларни текшириш учун C++ тилидаги дастурий воситалар ва ишлаб чиқилган алгоритмларни қўллаш орқали рақамли ва аналитик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

**даврий структурали вентилли ўзгартиргичларининг ишлаш режимларини тадқиқотлаш услубиёти бир ва уч фазали ток инверторларининг математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган;**

**универсал операторли алмашинув схемаларини ишлаб чиқиш усули вентилли ўзгартиргичнинг нимсхемаларини эквивалентлаш асосида таклиф этилган;**

**бир ва уч фазали автоном инверторларининг ишчи тавсифлари юклама тури, бошқариш усули ҳамда кириш токининг шаклини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;**

**даврий структурали вентилли ўзгартиргичларининг ўткинчи ва турғун режимларини ҳисоблаш алгоритмлари кириш кучланиши ва юклама қийматлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;**

**Лаплас ўзгартирилиши усулини такомиллаштириш асосида даврий структурали вентилли ўзгартиргичларининг элементларини техник кўрсаткичларини аниқлаш математик моделлари ишлаб чиқилган.**

**даврий структурали вентилли ўзгартиргич схемаси ток ва кучланиш автоном инверторларининг афзалликларини бирлаштириш асосида ишлаб чиқилган.**

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

**бир ва уч фазали ток автоном инверторларининг тури схемаларининг ток ва кучланишларнинг оний қийматларини ҳисоблаш учун рекурент аналитик ифодалар аниқланган;**

**аниқланган ишчи тавсифлар қуйидагиларни: силлиқловчи дросселнинг оптимал параметрларини, компенсация қурилмаси тиристорларининг самарали бошқариш бурчагини, чеклайдиган дросселнинг оптимал ўрнатилишини аниқлаш имкониятини бериб, лойихалаш жараёнини энгиллаштирган;**

**даврий структурали вентилли ўзгартиргичларининг математик моделлари вужудга келиши мумкин бўлган ўткинчи ва турғун режимларини инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган;**

юклама талабига биноан ток автоном инверторидан кучланиш автоном инвертори режимига ёки тескарисига ўтишни автоматик равишда таъминлаб, авария вазиятлар пайдо бўлишининг олдини оладиган даврий структурали вентилли ўзгартиргичнинг схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган назарий, ҳисоблаш ва тажриба натижаларининг ўзаро мувофиқлиги, ҳисоблаш усуллари ва математик моделлардан тўғри фойдаланилганлиги ҳамда ҳисобий ва тажрибавий натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юкланишнинг турли хил режимларини амалга оширишда даврий структурали ва ўхшаш динамик хусусиятларга эга бўлган қурилмалар синфи сифатида автоном ток ва кучланиш инверторларини моделлаштириш услубиётини ишлаб чиқиш; автоном ток инвертори куч схемасининг бир неча ҳолатига эквивалент бўлган универсал алмашув схемаларни ишлаб чиқиш ҳисобига дастурий воситани яратиш учун талаб этилган хотира ҳажми ва унинг ҳисоблаш вақтини камайтириш имкониятини берувчи автоном ток инверторларининг математик моделларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ток автоном инверторидан кучланиш автоном инвертори режимига ёки аксинча кучланиш автоном инвертори режимидан ток автоном инвертори режимига автоматик равишда ўтиб, шу туфайли авария вазиятлар пайдо бўлишига йўл қўймайдиган юқори коммутацион кўрсаткичларга эга даврий структурали вентилли ўзгарткич схемасини ишлаб чиқиш; инверторларда ўтадиган физик жараёнларни юқори аниқлик билан етарли даражада намойиш этишга имконият берувчи алгоритмлар ва дастурларни яратиш; силлиқловчи дросселни оптимал параметрларини, компенсацион қурилманинг тиристорларини самарали бошқариш бурчагини, чекловчи дросселни оптимал жойлашишини аниқлашга имкон берадиган ишчи тавсифларини олиш, натижада ток автоном инверторини лойиҳалаш масаласи осонлаштирилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Даврий структурали вентилли ўзгартиргичларини иш режимларини тадқиқ қилиш услубиётини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

симни чўзиш технологик жараёнини такомиллаштириш усули “National HOLDINGS” МЧЖ жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2021 йил 30 декабрдаги №04-3/2828-сонли маълумотномаси). Натижада, мис чиқиндиларини 8% га камайтирилишига, қиммат ускуналар ишлаш муддатини (табiiий олмосдан ясалган филера) ўртача 5% га оширилишига, машина вақти 12% га узайтирилиб, 231150 000 (икки юз ўттиз бир миллион бир юз эллик минг) сўм умумий иқтисодий самарадорликка эришилган;

симни чўзиш технологик жараёнини такомиллаштириш усули «NAVOI CABLE CONNECTOR» ХК МЧЖ жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2022 йил 16 июндаги №04-3/1455-сонли маълумотномаси).

Натижада, мис чикиндиларини 6% га камайтирилишига, қиммат ускуналарнинг ишлаш муддатини (табiiй олмадан ясалган филера) ўртача 4-5% га оширилишига, машина вақти 10% га узайтирилиб, 164380000 (бир юз олтимиш тўрт миллион уч юз саксон минг) сўм умумий иқтисодий самарадорликка эришилган;

Ўзгармас кучланишни ўзгарувчан кучланишга айлантирувчи ўзгартиргич учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан фойдали моделга патент олинган (№FAP 01895; 2022й.). Натижада ўзгартиргичнинг куч схемаси автоматик равишда алмашиши туфайли юқори коммутация мувозанатли инвертор яратилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 15 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуман ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 66 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақолалар, жумладан 7 та республика ва 5 чет эл илмий журналларида ҳамда 7 та мақола Scopus маълумотлар базасига кирувчи тўпламларда нашр этилган, 1 патент ва 5 та ЭХМ учун дастур гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бетдан иборат.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши очиб берилган.

"Автоном инверторларни моделлаштириш ва ишлаб чиқариш муаммоларининг ҳозирги ҳолати" деб номланган биринчи бобда вентиляр коммутация орасидаги интервалларда даврий структурага эга бўлган ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр энергияси ўзгартиргичлари тузилишининг умумий тамойиллари кўриб чиқилган. Чет эл компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган ток автоном инверторлари (ТАИ) техник хусусиятларининг қиссий таҳлили шуни кўрсатдики, ўрта ва юқори қувватли қурилмалар учун асосан кесувчи вентилли бўлган ток автоном инверторининг схемаси қўлланилади, чунки бошқа инверторлар билан таққослаганда кесувчи

вентилли ток автоном инвертори яхши динамик хусусиятларга ва паст частотали ҳудудда кенгайтирилган ростлаш диапазонига эга.

Ушбу бобда 1-расмда келтирилган схема бўйича тайёрланган бир фазали параллел ТАИ ишлашини таҳлил қилиш мисолидан фойдаланган ҳолда, чиқиш кучланишини барқарорлаштириш режимида ишлайдиган ушбу турдаги ўзгартиргичларни моделлаштириш тамойиллари ва босқичларини кетма-кетлиги кўриб чиқилган. Схемада стабилизация режими қарши-параллел уланган тиристор жуфтлиги (компенсацион қурилма) томонидан ҳосил қилинган салбий тескари алоқа туфайли амалга оширилади.



1-расм. Чиқиш кучланишини барқарорлаштириш режимида ишлайдиган бир фазали параллел ток автоном инверторнинг схемаси.

Шунингдек, бобда ТАИ асосидаги вентилли ўзгартиргичларининг математик моделларини ишлаб чиқиш усуллари бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, моделларни шартли равишда иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин: соддалаштирилган ва тўлиқ моделларга. Соддалаштирилган моделларни ишлаб чиқиш жараёнида кўпинча уларнинг ўткинчи ва турғун жараёнларнинг ҳақиқий шароитларига мувофиқлиги билан боғлиқ муаммолар юзага келиши кузатилади. Аниқ моделлар аниқ бўлса-да, улар дастурий восита сифатида амалга оширилганида жуда қатта ҳажмдаги хотира талаб қилишади. Шунинг учун ҳажми ва ҳисоблаш вақти камроқ бўлган юқори аниқликга эга бўлган тўлиқ моделларни ишлаб чиқиш амалий нуқтаи назардан тўғри бўлади.

Ушбу ишда тўлиқ моделни ишлаб чиқиш учун Лаплас ўзгартiriшларига асосланган оний қийматлар усули (оператор усули) қўлланилган, чунки бу усул вентилли занжирларда динамик жараёнларнинг ривожланишини тўлиқ ва аниқ акс эттиради. Классик шаклда оператор усулидан фойдаланиш ўткинчи ва турғун жараёнларни таҳлил қилиш учун мўлжалланган математик моделни ишлаб чиқиш учун қатта тайёргарлик процедуралари билан бир қаторда, натижада олинган модел сифатининг пасайишига олиб келади, жумладан, зарур бўлган хотира ҳажмининг ошишига, алгоритм мураккаблашишига ва ҳисоблаш тезлиги пасайишига. Ушбу камчиликлар, биринчи навбатда математик моделни ишлаб чиқишда ишлатиладиган эквивалент операторли алмашув схемаларининг сони кўплиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан оператор усули асосида математик моделни тузишда кучли схеманинг бир нечта мумкин бўлган тузилмаларига эквивалент бўлган операторли алмашув схемаларидан (бундан кейин

универсал операторли алмашув схемалари деб аталади) фойдаланиш таклиф этилади. Бунинг учун аввал танланган бошқариш ва барқарорлаштириш усулига мувофиқ кучли схемаснинг мумкин бўлган тузилмалари аниқланади, сўнгра уларнинг операторли алмашув схемалари тузилади, шундан сўнг кучли схеманинг бир нечта мумкин бўлган тузилмаларига эквивалент бўлган универсал операторли алмашув схемалари ишлаб чиқилади.

Ишда аналитик ифодаларнинг таркибидаги коэффициентларга нисбатан функционал ажратиш амалга оширилади. Қиймати фақат кучли схеманинг параметрларига боғлиқ бўлиб, операторли алмашув схемаларининг тури ва вақтига боғлиқ бўлмаган коэффициентлар  $a_i$ ,  $N_i$  ва  $M_i$  харфлари билан белгиланган. Қиймати кучли схеманинг параметрларига ва операторли алмашув схема турига боғлиқ бўлган лекин вақтга боғлиқ бўлмаган коэффициентлар  $A_i$  ва  $B_i$  харфлари билан белгиланган. Қиймати кучли схеманинг параметрларига ва операторли алмашув схемаси ҳақиқий бўлган орилигидаги вақтига боғлиқ бўлган коэффициентлар  $K_i$  харфлари билан белгиланган. Шундай қилиб, вентилли ўзгарткичнинг битта вариантини ҳисоблашда биринчи турдаги  $a_i$ ,  $N_i$  ва  $M_i$  коэффициентлари бир марта ҳисобланади, чунки кейинги ҳисоблаш жараёнида уларнинг қийматлари ўзгармасдан қолади; иккинчи турдаги  $A_i$  ва  $B_i$  коэффициентлари фақат кучли схеманинг тузилиши ўзгарганда, яъни ушбу янги иштирок этадиган операторли алмашув схема учун ҳисоблаш жараёни бошланганида унинг учун янги мустақил бошланғич шартларни ҳисобга олган ҳолда; учинчи турдаги  $K_i$  коэффициентлари, шунингдек керакли ток ва кучланишларнинг қийматлари вақт ўзгаришига биноан ҳисобланади. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, коэффициентларни функционал ажратиш амали бир хил коэффициентларни ҳисоблашнинг такрорланишини бартараф этиб, шу билан умумий моделнинг ҳажмини камайтиради ва тез ишлашини таъминлайди. Универсал операторли алмашув схемалари асосида математик моделларни ишлаб чиқишда қуйидаги умумий соддалаштиришлар қабул қилинган: вентиλλар идеал тавсифли, уларнинг коммутацияси ўта тез, қувват трансформаторининг магнитланиш токи нолга тенг.

Квазитурғун режимда вентиλλарни уланиш-узилишларининг мунтазамлиги туфайли ҳар доим такрорланувчанлик орилигини ажратиш мумкин бўлади. ТАИ ларда бу орилик бир, икки, уч ёки ундан ортиқ босқичларни ўз ичига олади, уларнинг алмаштириш схемалари ва аниқ ички боғланишлари билан тавсифланади. Ушбу боғланишлар схеманинг такрорийлик интэрвалларининг давомийлиги, электрон параметрларига ва унинг олдинги ҳолатига боғлиқлиги шаклида акс этади. Шу маънода, АИТ ҳақида даврий тузилишга ега чизикли бўлмаган вентилли занжирларининг одатий вақиллари сифатида гапириш мумкин.

Юқорида келтирилган инверторлардаги электромагнит жараёнларнинг сифатли таҳлили уларни такрорлаш орилигидаги босқичлар сони бўйича уч гуруҳга ажратилишига мумкин бўлади.

Биринчи гуруҳга такрорланувчанлик оралиғида бир босқичга эга бўлган ва шу босқичга мос келувчи алмаштириш схемаси билан инверторлар киради. Бу гуруҳга параллел, параллел кетма-кет ва кетма-кет параллел инверторлар киради.

Иккинчи гуруҳга такрорланувчанлик оралиғида икки босқичга эга бўлган ва шу икки босқичга мос келувчи иккита алмаштириш схемали инверторлар киради. Кўриб чиқилаётган инверторлардан бу гуруҳга кетма-кет инверторлар ва тиристорлардаги  $di/dt$  кескин ошишини чегаралаш учун кўшимча индуктивликли параллел инверторлар киради.

Учинчи гуруҳга уч ёки ундан ортиқ босқичга ега бўлган барча инверторлар киради. Бу кесувчи вентилли инверторлар, коммутацияси икки босқичли ва қарама-қарши уланган бошқарилувчи вентилли дросселли компенсатор (КҚ) ли ТАИ лар.

Ушбу ишда келтирилган тадқиқот методологиясидан электромагнит жараёнларни параллел, параллел кетма-кет, кетма-кет параллел, кетма-кет, шунингдек кесувчи вентилли ва коммутацияси икки босқичли инверторларни таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Ишда ўрганилган вентилли ўзгартиргичлар (ВЎ) схемаларининг математик моделларини ишлаб чиқиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

а) танланган кўзғалиш ва стабилизация усули билан амалга ошириладиган алмаштириш схемаларининг мумкин бўлган турлари тўплами аниқланади;

б) универсал алмаштириш схемалари тузилади, ҳисоблаш учун зарур бўлган ток ва кучланишларнинг тасвирлари ва асллари аниқланади;

в) жараён ривожланишининг мумкин бўлган йўллари таҳлил қилинади ва алмаштириш схемаларининг турларини интервалларида ўзгартириш кетма-кетликлари аниқланади, жараён ривожланиш босқичларини ўзгаришнинг чегаравий шартлари тузилади;


д) танланган кўзғалиш ва ростлаш усулини ҳисобга олган ҳолда чегара шартларининг бажарилишини қидириш асосида ўткинчи жараённи ҳисоблаш алгоритмининг блок-схемаси тузилади.

"Ўзгармас ток таъминот манбаси режимларида ишлайдиган вентилли ўзгарткичларининг ўткинчи жараёнларини тадқиқот методикаси" деб номланувчи иккинчи бобда трансформатор орқали кетма-кет уланган бир фазали кетма-кет ТАИ ва тўғрилагичдан иборат топган стабиллашган ўзгармас ток таъминот манбаларидаги ўткинчи жараёнларини тадқиқот қилиш методикаси тавсифланган. Юклама сифатида (алмаштириш схемаси қарши э.ю.к. ва актив қаршиликдан иборат) статик истеъмолчи, ўзгармас ток мотори ёки электрон лампа бўлиши мумкин. Чиқиш кучланишини ростлаш (стабилизациялаш) икки йўл билан амалга оширилиши мумкин: тиристорларига етказиб бериладиган импульсларнинг частотасини ўзгартириб ёки коммутация конденсаторига параллел равишда уланган КҚ ёрдамида бошқариш орқали. Электромагнит жараёнларни таҳлил қилиш шуни


кўрсатдики, қабул қилинган ростлаш усулига қараб, частотали бошқаришда ўткинчи жараёнларини ривожланишида учта ОАС ва КҚ ёрдамида бошқаришда эса бешта ОАС иштирок етиши мумкин. Ҳар бир ОАС учун коэффицентларни функционал ажратиш билан керакли ток ва кучланишнинг тегишли рекуррент ифодалари топилган.

Ушбу бобда олинган ток ва кучланишнинг оний қийматлари учун ифодалар частотани бошқариш ва КҚ ёрдамида кетма-кет АИТ асосидаги ВЎ да ўткинчи жараёнларини ҳисоблаш алгоритмларининг асоси бўлиб, ўткинчи жараёнида иштирок этадиган схеманинг тузилмаларига эквивалент бўлган ОАС мавжудлиги ва кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурларга асосланиб, юқоридаги иккала ростлаш усули учун кетма-кет ТАИ асосидаги ВЎ-нинг ишга тушириш пайтида бир қатор ўткинчи жараёнларининг графикалари олинган. 2 ва 3-расмларда ВЎ ишга туширишдаги ток ва кучланишнинг вақт диаграммалари ва осциллограммалари кўрсатилган.



2-расм. Кетма-кет ТАИ асосидаги ВЎ ишга туширишнинг вақт диаграммалари: а) частотали ростлаш; б) КҚ ёрдамида ростлаш




3-расм. Кетма-кет ТАИ асосидаги ВЎ ишга туширишнинг осциллограммалари: а) частотали ростлаш; б) КҚ ёрдамида ростлаш

Ҳисобий ва тажрибавий натижаларининг тоқ ва кучланишнинг ўртача ва жорий қийматларига қараб оғиши 6-8 фойздан ошмади. Олинган натижаларнинг ўзаро мос келиши ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурларнинг тўғрилигини баҳолашга имкон беради.

Шунингдек, бобда кетма-кет ТАИ асосидаги ВЎ иккала рoстлаш усули учун ўзгартиргичнинг ишчи тавсифлари аниқланган. 4-расмда кириш кучланиши  $E_d$  номинал  $E_{dном}$  нисбатан ўзгарганда олинган  $E_d^* = f(\omega^*)$  ва  $E_d^* = f(\alpha^*)$  ишчи тавсифлар кўрсатилган. Ушбу расмдан кўришиб турибдики,  $E_d + 40\%$  оралиғида ўзгарганда стабилизация режимини сақлаб туриш учун  $\alpha_{нач}$  нисбатан  $\alpha$  ни  $0.85 \div 1.3$  оралиғида,  $\omega_{ном}$  га нисбатан эса  $\omega$  ни  $0.65 \div 1.6$  оралиғида ўзгартириш керак, яъни частотани ўзгартириш билан стабилизация режимини сақлаб туриш учун рoсташ параметрни (частотани) кенг доирада ўзгартириш керак.

Берилган  $\omega^*$ ,  $\alpha^*$  қийматларини ўзгарганида ўзгартиргични коммутацион мувозанатини сақлаб қолиб барқарорлигини таъминлайдиган тикланиш бурчаги  $\delta$  қийматини аниқлаш учун қўлланиладиган  $\delta = f(\alpha)$  ва  $\delta = f(\omega)$  ишчи тавсифлари 4, б расмда кўрсатилган. Ушбу ишчи тавсифлардан кўришиб турибди  $E_d$  қиймати бир хил ўзгарганида ( $E_{dном}$  нисбатан 40%), тикланиш бурчаги  $\delta$  қиймати частотали рoстлашда  $\Delta\delta = 86$  эл. градусда ўзгариб тикланиш бурчагининг критик қийматига  $\delta_{min} = 14$  эл. градусга яқинлашиб қолади, ҳолбуки КҚ ёрдамида рoстлашда эса  $\alpha$  бурчаги фақат 10 эл. градусга ўзгариб тикланиш бурчагининг қиймати  $\delta_{min} = 53$  эл. градус бўлади.

Шу ҳолат бўйича айтиш мумкинки, КҚ орқали рoстланадиган ВЎ частота билан рoстланадиган ВЎ қараганда яхшироқ рoстлаш ва коммутацион хусусиятларига эга. Чунки частота билан рoстлаш усули қўлланганлигида номиналга нисбатан мумкин бўлган частота ўзгаришини катта диапазонда таъминлаш зарурати коммутация хусусиятларининг ёмонлашишига ва ўзгартиргичнинг элементларининг ўрнатилган қувватини ортиқча кўпайтиришга олиб келади.




4-расм. Кетма-кет ТАИ асосидаги ВЎ ишчи тавсифлари,  $P=const$ :  
 а)  $E_d^* = f(\alpha^*)$ ;  $E_d^* = f(\omega^*)$ ; б)  $\delta = f(\alpha^*)$ ;  $\delta = f(\omega^*)$



Олинган ишчи тавсифлар ВЎ коммутация мувозанати сақланган ҳолда чиқиш кучланишининг қийматини барқарорлаштиришни таъминлайдиган бошқарув диапазонининг қийматини аниқлашга имкон беради ва шу билан ВЎ нинг оптимал параметрларини топишга ёрдам беради.

"Ўзгарувчан ток таъминот манбаси режимларида ишлайдиган вентилли ўзгарткичларининг ўткинчи жараёнларини тадқиқот методикаси" деб номланувчи учинчи боб ВЎ чиқиш кучланишини барқарорлаштириш режимларида ишлайдиган ТАИ даги ўткинчи жараёнларини таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқот учун турли хил схемалар ва стабилизация усулларидан, чиқиш кучланишини ростланадиган индуктивлик  $L_k$  шаклидаги компенсацион қурилмаси (КҚ) бўлган бир фазали ТАИ танланган (5-расм). Таҳлил қилиш ўзгарткичнинг схемасида ўзгарувчан филтри мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаган ҳолатлар, шунингдек ТАИ нинг кириш токининг узлуксиз ва узлукли режимларида КҚ ишлаб турган ёки ишламаган ҳолатлари учун амалга оширилган.



5-расм. Компенсацион қурилмали параллел бир фазали ТАИ асосидаги ВЎ схемалари: а) ярим кўприкли; б) кўприкли


КҚ ли ТАИ ни узлуксиз кириш токида ВЎ нинг чиқиш кучланишини ростлаш КҚ бошқариш бурчаги -  $\alpha$  қийматини ўзгартириш орқали амалга оширилганида ишга тушириш пайтидан то турғун режимга қадар электромагнит жараёнларни ривожланишида олтига операторли алмашинув схема (ОАС) иштирок этиши мумкинлигини кўрсатди. Ушбу олтига ОАСни

КҚ нинг иккита ишчи ҳолати билан бир-биридан фарқ қиладиган универсал ОАС га келтирилди. Ҳар бир универсал ОАС учун Кирхгоф қонунларига мувофиқ керакли ток ва кучланишлар учун тузилган тенгламалар ечилиб уларнинг Лаплас усули бўйича тасвирлар ва кейин ажратиш теоремасига мувофиқ қуйидаги шаклга эга бўлган аслари топилади:

$$\begin{aligned} i_d(t) &= E_d/r_1 + (B_2/D_1)\exp(-b_2t) + A_1K_1 + B_1K_2 ; \\ i_H(t) &= E_d/r_1 + (B_4/D_2)\exp(-b_2t) + A_3K_3 + B_3K_4 ; \\ u_c(t) &= r_H E_d/r_1 + (B_4/D_1)\exp(-b_2t) + A_3K_1 + B_3K_2 . \end{aligned} \quad (1)$$

Шундай йўл билан иккинчи универсал ОАС учун ҳам ток ва кучланишнинг аслари топилган.

Бобда ВЎ нинг юкламаси параллел ва кетма-кет уланган  $r_H$  ва  $L_H$  учун ҳисоблаш формулалари топилган. Шунингдек КҚ ли ва  $L$ ,  $C$  филтрли параллел ТАИ нинг математик модели ҳам ишлаб чиқилди. Ўткинчи жараёнларни ривожланишда иштирок этадиган кучли схеманинг барча конфигурацияларида кетма-кет уланган  $r_H$  ва  $L_H$  филтрни акс этувчи қўшимча шаҳобча пайдо бўлади. Шунинг учун ВЎ схемасидаги (КҚ ли ва  $L$ ,  $C$  филтрли параллел ТАИ) ўткинчи жараёнларни тадқиқотлаш худди аввалги ВЎ (КҚ ли параллел ТАИ) схемасида бўлгани каби КҚ нинг ишчи ҳолатига боғлиқ бўлган иккита универсал ОАС асосида амалга оширилиши мумкин, аммо бунда филтрни ҳисобга олувчин қўшимча шаҳобча инобатга олиниши керак.



6-расм. ВЎ ишга туширишнинг вақт диаграммалари: а) ишга тушириш; б) юклама ўзгарганида

Ишлаб чиқилган алгоритмлар ва математик моделларга ва дастурларга асосланиб, бир фазали параллел ТАИ асосидаги ВЎ-нинг ишга тушириш пайти учун бир қатор ўткинчи жараёнларининг графикалари олинган. 6-расмда КҚ ли ТАИ асосидаги ВЎ ишга туширишдаги ҳамда юкланма ўзгарганидаги ток ва кучланишнинг вақт диаграммалари ва осциллограммалари кўрсатилган.


Компютер тажрибаларининг натижалари шуни кўрсатдики, инверторни мустақил қўзғалиш усулида стабилизация жараёни узоқроқ давом этади ва

юклама ўзгарганидан кейин биринчи ярим даврда юкламадаги кучланишининг амплитудаси ошиши комбинацияланган қўзғалиш усулига қараганда катта бўлади. Бу инверторнинг комбинацияланган қўзғалиш усули билан динамик мувозанати юқорилиги ҳақида гапиришга имкон беради.

Шунингдек, бобда КҚ ли параллел ТАИ асосидаги ВЎнинг ишчи тавсифлари олинган. Чикиш кучланиши қийматининг стабиллашуви  $E_{dном}$ ,  $Z_{ном}$  алоҳидаги ўзгариши ёки уларнинг бир вақтда ўзгарган ҳолатда КҚ тиристорларининг очилиш бурчаги -  $\alpha$  ни ўзгартириш орқали амалга оширилган. 6-расмда турли  $\cos \varphi_n$  олинган ишчи тавсифлар кўрсатилган.

7, а –расмда келтирилган  $E_d = f(\alpha)$  тавсифлардан фойдаланиб  $E_d$  нинг берилган ўзгариши билан  $U_{вых}$  чиқиш кучланишининг стабиллашишини таъминлайдиган  $\alpha$  – бурчагининг қийматини аниқлаш мумкин. 7, б –расмда келтирилган тавсифлардан фойдаланиб  $E_d$  нинг ўзгариши доирасида  $U_{вых}$  чикиш кучланишининг стабиллашишини таъминлайдиган ва ВЎ мувозанатини сақлаб турилишини таъминлайдиган  $\alpha$  – бурчагининг ростлаш диапазонини аниқлаш мумкин.

Олинган тавсифларга кўра  $\cos \varphi_n$  қиймати камайиши билан ВЎ нинг ростлаш ва коммутацион тавсифлари ёмонлашишини кўриш мумкин, шунинг учун  $\cos \varphi_n = 0,2$  учун  $\alpha$  бурчакнинг чегаравий қиймати  $\delta > 0$  ўзгариши 35 эл. градусдан кам бўла олмайди, ваҳоланки  $\cos \varphi_n = 0,95$  бўлганида эса, коммутация мувозанатининг шarti  $\alpha$  ростлаш бурчагининг бошланғич қийматларида ҳам бажарилади.



7-расм. Параллел ТАИ ва КҚ асосидаги ВЎнинг ишчи тавсифлари  $U_{вых}=const$ ,  $Z_n=const$ ,  $E_d=varia$ : а)  $E_d=f_1(\alpha)$ ; б)  $\delta=f_2(\alpha)$

Шунингдек,  $E_d$  кириш кучланишининг қиймати ўзгармас бўлганида ва юкланма параметрларининг ўзгарганида турли хил  $\cos \varphi_n$  учун олинган ишчи тавсифлар  $U_{вых}$  чиқиш кучланишининг стабиллашишини таъминлайдиган ва ВЎ мувозанатини сақлаб турилишини таъминлайдиган  $\alpha$  – бурчагининг қийматларини аниқлаш имкониятини беради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан ташқари, ушбу дастур ёрдамида коммутация конденсаторининг реактив қуввати  $Q_c$ , компенсация курилмасининг реактив қуввати  $Q_{ку}$ , ўзгартиргичнинг умумий реактив қуввати  $Q_{\delta}$  ҳамда криш токининг ўртача қиймати  $I_d$  каби бошқа ВЎ нинг кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин.

Инверторларнинг асосий энергетик параметрларидан бири бўлган чиқиш кучланишининг шаклининг носинусоидаллик даражаси бўлганлиги туфайли бобда параллел ток автоном инвертори ва кесувчи вентилли ток автоном инверторларнинг чиқиш кучланиши  $u_n$  ва чиқиш токи  $i_n$  ларнинг ҳисоблаб курилган тавсифларининг шакллари тадқиқоти ўтказилган.


ток автоном инвертори ва кесувчи вентилли ток автоном инверторларнинг  $u_n$  ва  $i_n$  лари гармоникаларининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

- қанчалик коммутация конденсаторининг сиғимининг қиймати кичик бўлса, шунчалик параллел ток автоном инверторига нисбатан кесувчи вентилли ток автоном инверторининг гармоникалар коэффиценти ( $K_2$ ) ёмонроқ бўлади;

- коммутация конденсаторининг сиғимининг катта қийматларида параллел ток автоном инвертори ва кесувчи вентилли ток автоном инверторларнинг гармоникалар коэффиценти ( $K_2$ ) қиймати деярли бир хил бўлади;

- $\cos\varphi_n$  катталашган сари  $i_n$  ва  $u_n$  тавсифларининг шакллари синусоидадан анча фарқ қилади.

Силликловчи дросселнинг индуктивлигини инверторнинг кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш учун 8-расмда кўрсатилган тикланиш бурчаги  $\delta = f(L_d^*)$  тавсифи олинди.



8-расм.  $K_{e\ min} = f(\delta)$  тавсифининг графика

Ўтказилган таҳлиллар қуйидагиларни кўрсатди: бир фазали параллел инверторда катта қийматлардан бошлаб  $L_d$  индуктивлигини камайтириш инвертор чиқиш токининг гармоникаларини камайтиради. Бундай камайиш  $\delta$  бурчагининг катта қийматларида таъсирли бўлиб кичикларида эса таъсирсиз. Юқори гармоникаларнинг минимал қийматга эришилиши номинал юкланишда узликсиз режимининг чегарасидаги  $L_d$  индуктивлигининг

қийматларида бўлади. Бундан кейинги  $L_d$  камайиши инвертор чиқиш токининг шакли ёмонлашишига олиб келади.

Бобда ишлаб чиқилган математик моделлар битта дастур бўйича инверторнинг иккала кучли (кўприк ёки нол чиқишли) схемаларини ҳам тадқиқотлашни таъминлайди, чунки модел асосидаги рекуррент ифодалар ва шунга мос равишда унинг дастурий таъминоти кучли ) схеманинг турига боғлиқ бўлмаган ҳолда олинган.

"Автоном ток инвертерларининг турғун режимларини тадқиқотлаш услубиёти" деб номланган тўртинчи бобда икки турдаги юкламали статик ва моторли (асинхрон мотор) даврий тузилишга эга вентилли ўзгарткичларнинг турғун режимларини таҳлил қилиш услубиётини ишлаб чиқиш натижалари қуйидаги истиқболли уч фазали ток инвертерлари мисолида: параллел, параллел-кетма-кет, кетма-кет-параллел, кетма-кет, кесувчи вентилли инвертор ва икки босқичли коммутацияли инверторлар кўриб чиқилган. Бундан ташқари, индуктивликларни тиристорлардаги  $di/dt$  чеклаш имкониятлари (параллел ток автоном инвертори мисолида) инверторнинг асосий кўрсаткичларига таъсири баҳоланди.

Электромагнит жараёнларни таҳлил қилишда  $i_L(p)$  ва  $u_C(p)$  тоқлар ва кучланишларининг тасвирларидан уларнинг асллари  $i_L(t)$  ва  $u_C(t)$  топилади, бунинг учун чегара шартларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир босқичда чегара тоқлари ва кучланишларининг қийматини аниқлаш учун тенгламалар тизими тузилади. Бундан кейин, уч фазали вентилли ўзгарткичда ўтадиган жараёнларнинг симметриялиги ва такрорланиши асосида ишлаб чиқилган мувофиқлик матрицасидан фойдаланиб, чиқиш кучланишининг бутун даври учун тоқлар ва кучланишлар учун ифодалар топилади.

Белгиланган кетма-кетликни бажаришда ҳар бир гуруҳ инверторларининг такрорланувчанлик оралиғида электромагнит жараёнлар ўтишининг характери тенгламалар тизимининг турига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, инерциал миқдорларнинг чегара қийматларини топиш учун биринчи гуруҳ инвертерларини таҳлил қилганда, биз қуйидаги алгебраик тенгламалари тизимини топамиз:

$$\begin{aligned} f(I_i, U_j, \pi/m\omega) &= 0; \\ i &= 1 \dots k, j = 1 \dots n, \end{aligned} \quad (2)$$

бу ерда  $k$  -индуктивликлар сони;

$n$  -босқичнинг алмаштирув схемасидаги сизимлар сони;

$m$  -фазалар сони;

$\pi/m\omega$  -такрорийлик интервалининг давомийлиги.

Тенгламалар тизими (2) чизикли бўлиб, у такрорланувчанлик оралиғида битта алмаштириш схемаси (битта босқич) бўлган ҳар қандай вентилли ўзгарткич учун ҳосдир.

Такрорлаш оралиғида икки босқич мавжуд бўлган иккинчи гуруҳ инверторларидаги электромагнит жараёнларни таҳлил қилганда, қуйидаги шаклдаги тенгламалар тизимини оламиз:

$$\begin{aligned} f_1(I_{нач.i}, U_{нач.j}, I_{\tau}, \tau) &= 0; \\ f_2(I_{кон.i}, U_{кон.j}, I_{\tau}, U_{\tau}, [(n/m\omega) - \tau]) &= 0. \end{aligned} \quad (3)$$

Бу ерда биринчи тенглама  $\tau$  интервалнинг давомийлиги билан биринчи босқич учун, иккинчиси эса давомийлиги  $[(n/m\omega) - \tau]$  тенг бўлган иккинчи босқич учун бўлади.

Тенгламадан  $f_1$  ўзгарувчилар қийматларини  $f_2$  га алмаштириб ва  $I_{нач.i} = I_{сп.i}, U_{нач.к} = U_{кон.i} = U_{сп.j}$  тенглигини ҳисобга олиб ночизиқли тенгламалар тизимини оламиз:  $f(I_{сп.i}, U_{сп.i}, \tau) = 0$ ,

(4) бунда босқичдан иккинчисига ўтиш моментини белгилаб берувчи параметр  $\tau$  бу тизимга билвосита киради, яъни уни трансцендент қилади. Тенглама (4) трансцендентлик  $\tau$  бўйича экспоненциал ёки тригонометрик функциялар кўринишидаги коэффициентларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Учинчи гуруҳ инверторларидаги электромагнит жараёнларни таҳлил қилишда биз қуйидаги тенгламалар тизимини оламиз:

$$\begin{aligned} f_1(I_{нач.i}, U_{нач.j}, I_{\tau 1}, U_{\tau 1}, \tau_1) &= 0; \\ f_2(I_{\tau 1}, U_{\tau 1}, I_{\tau 2}, U_{\tau 2}, \tau_2) &= 0; \\ f_3\{I_{\tau 2}, U_{\tau 2}, I_{кон.i}, U_{кон.j}, [(n/m\omega) - \tau_1 - \tau_2]\} &= 0. \end{aligned} \quad (5)$$

Гаусснинг алмаштириш усули орқали, қуйидагиларни инobatта олиб

$$\begin{aligned} I_{нач.i} &= I_{кон.i} = I_{сп.i}; \\ U_{нач.j} &= U_{кон.j} = U_{сп.j}, \end{aligned}$$

чизиқли бўлмаган тенгламани оламиз:


$$f(I_{сп.i}, U_{сп.j}, \tau_1, \tau_2) = 0, \quad (6)$$

$i, j$  параметрларининг юқоридаги каби бир хил маъноси билан. Ушбу тизимда иккита параметр  $\tau_1$  ва  $\tau_2$  билвосита кирган бўлади. Бу асосан такрорланадиган интервалда учта босқичнинг мавжудлиги ва шунга мос равишда биринчи босқичдан иккинчисига ва иккинчисидан учинчисига ўтиш билан боғлиқ бўлган иккита вақт  $\tau_1$  ва  $\tau_2$  моменти мавжудлиги билан боғлиқ.


Турли (3) ва (5) шаклдаги тизимларни ўрганиш бу моҳиятан ночизиқли бўлган тизимларда минимал ночизиқли тизимни аниқлаш имкониятини вужудлигини кўрсатди. Минимал ночизиқли тизимдаги тенгламалар сони такрорланувчанлик интервалидаги босқичлар сонидан биттага кам бўлганлиги ва тенгламаларнинг ҳар бири тўла ( $\vec{r}$ ) вектори бўйича трансцендент эканлиги кўрсатилган. Олинган трансцендент тизимни ечишда итерация усули ишлатилган.

Ишлаб чиқилган услубга кўра ТАИ гуруҳларининг турғун режимини ҳисоблаб юкланиш даражасига  $B = x_{c1}/Z_{н1}$  қараб силликловчи индуктивлиги  $L_d^* = L_d/L_n$  турли қийматлари учун қуйидаги ишчи тавсифлар олинган: бекитувчи кучланишининг максимал қиймати  $U_{обр.max}^* = U_{обр.max}/E_d$ , тиристорларнинг бекилиш вақти  $\delta = \omega\tau_b$  ва манбанинг токи  $I_d^* = I_d Z_n/E_d$ . Турли ТАИ схемалари учун олинган ишчи тавсифларнинг баъзилари 9-12 расмларда келтирилган.


Олинган тавсифларнинг таҳлил қилиш бир хил гуруҳга мансуб инверторларнинг ишчи тавсифлари ўзаро ўхшашлигини тасдиқлайди




9-расм. Параллел ТАИ ишчи тавсифлари



10-расм. Параллел-кетма кет ТАИ ишчи тавсифлари



11-расм. Кетма кет- параллел ТАИ ишчи тавсифлари



12-расм. Кетма кет ТАИ ишчи тавсифлари


"Автоном ток инверторларининг ўткинчи режимларини тадқиқотлаш услугиёти" деб номланган бешинчи бобда уч фазали автоном ток инверторларида ўткинчи режимларида кечаётган электромагнит жараёнларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Ҳисоблашнинг бошида усул инерциал қийматларнинг бошланғич миқдорларининг берилишини талаб қилади; кейинчалик ОАС тури ўзгартирганда кейингисини ҳисоблашда бошланғич қийматлар сифатида олдинги турдаги инерциал миқдорларининг охириги қийматлари ишлатилади.

Уч фазали инверторларининг схемаларида, фазалардаги топологик симметрия тўғрисида, бир хил алмаштириш схемаси ҳақиқий бўлади ва турли хил рақамларга эга бўлган очилган венти́ллارнинг бир хил комбинацияси билан жараёнларни таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин. Шунинг учун операторли алмаштириш схемалари очилган венти́ллар рақамларининг маълум комбинациялари учун тузилади ва жараённи барча фазалар, яъни схеманинг барча элементлари учун керакли босқичда ҳисоблаш учун

